

ЧЎЛПОН ИЖОДИ ВА МУМТОЗ АДАБИЁТ

АНЪАНАВИЙ ИШҚ МАВЗУСИНИНГ ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДАГИ БАДИЙ ИФОДАСИ

Хусниддин ЭШОНҚУЛОВ
филология фанлари номзоди, доцент
Бухоро Давлат университети
husniddin.eshonqulov72@mail.ru

“Чўлпон”, “Қаландар”, “Мирзақаландар”, “Андижонлик” сингари тахаллуслар билан ижод этган Абдулҳамид Сулаймон ўғли – ўзбек жаид адабиётининг таниқли намоёндаларидан биридир. У ўз маслакдошлари сингари даврининг улкан дарди билан ёниб яшади, Туркистондаги феодал жамият қусурларини танқид қилиб, юрт ҳолига ачинди, эрк ва озодликни, Ватан равнақию миллат фаровонлиги ҳақидаги ўйларини шеърларида бадий ифодалади. Бу билан шоир ўзига замондош ижодкорлар билан биргалликда жаид шеърятини шаклан ва мазмунан янгилашга муносиб ҳиссасини қўшди. Энди илоҳий муҳаббат, ирфоний маъно-моҳият касб этувчи эзгу ғоялар талқини адабиётдаги ўз ўрнини жаидчилик ғоялари тарғибига бўшатиб берди. Шундай бўлса-да, Абдулҳамид Сулаймон ўғли ўзига танлаган тахаллусларидан англашилиб тургани каби асрлар давомида санъаткорона бадий ифода этилган ишқ мавзусининг жозибакорлигидан ўз ижодида кўнглини совутмаган эди. “Ҳатто Чўлпон Пушкиннинг “Гул ва булбул” шеърини арузнинг ҳазаж баҳрида таржима қилди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, жаид шоирларининг аруз вазнидаги шеърларида анъанавийликнинг кучлилиги кузатилади” (2, 14). Чўлпоннинг ҳам “Гўзал”, “Хаёли”, “Қаландар ишқи”, “Уйқу”, “Мен ҳам севаман”, “Ишқ”, “Созим”, “Галдир”, “Дарё бўйи” сингари қатор аруз ва бармоқда битилган шеърларида анъанавий ишқ мавзусининг қайсидир жиҳатлари ўзини намоён қилганини сезиш мумкин.

Андижон ва Тошкент мадрасаларида таҳсил кўриб, араб, форс, турк тилларини мукамал эгаллаган (3, 6) Абдулҳамид ўзининг Шарқ халқларига мансублигидан ниҳоятда ифтихор туяди. Мулланур Воҳидовнинг руҳига бағишланган шоирнинг “Шарқ нури” шеърда Чўлпоннинг ана шундай туйғулари бадий ифодасини топган:

*Кун ҳам Шарқдан, ой ҳам Шарқдан чиқадир,
Бироқ, бир сен Фарбдан чиқдинг ва ботдинг.
Шунинг учун менинг шарқлик руҳимда
Ажиб мудҳиш, қўрқунч туйғу уйғотдинг (3, 378).*

Зиё – илму ирфон Шарқдан эканлиги қуёш ва ой тимсолларида рамзий ифода этилган бу шеърда шоир Мисрдан Чин-мочингача бўлган худудларни тилга олади ва Умар Хайём, Бедил сингари улуғ шоирларга талмеҳ қилиш билан Шарқ шеърятининг мафтуни эканлигини бадиий ифодалайди.

Чўлпон мусулмон минтақа халқлари адабиётининг етакчи мавзуси саналган ишқ ва унинг бадиий талқинида устувор бўлган етакчи услубларни нафақат ўрганган, балки улардан санъаткорона фойдаланган ижодкор сифатида ўқувчи кўз ўнгида намоён бўлади. Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг биринчи қисм “Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида” деб номланувчи ўн олтинчи фаслида айни масалага алоҳида эътибор қаратади (1,24–26). Улуғ шоир анъанавий ишқ мавзусини бадиий ифодалашдаги уларнинг услубидан келиб чиқиб, бу ижодкорларни бир неча табақага бўлиш мумкинлигини эътироф этади, ҳамда учта устувор йўналишлар хусусида маълумот келтиради. Чўлпон: *“нуқуди кунузи маърифати илоҳийдин ганийлар...”*, – дея таърифланган илоҳий маърифат хазиналарининг қимматбаҳо нарсаларидан давлатманд бўлган ижод аҳлига хос бадиий услубдан ҳам, *“ҳақиқат асрориға мажоз тариқин маҳсул қил”* ганлару *“мажоз тариқи адоси ... назмиға голиб”* лар ижодига хос сиру асрорлардан ҳам яхшигина хабардор бўлган. Унинг анъанавий ишқ мавзусига мойиллигини шоирнинг бир қатор шеърлари кўпроқ ҳақиқат сирларини мажоз йўли билан ҳосил қилганлар услубини эслатганида кузатилади. Бундай услубни хуш кўрувчилар *“пок кўз, пок назару пок кўнгил”* соҳиби бўлган ошиқ илоҳий жамолни ўзида мужассамлаштирган *“пок юз”* ли *“пок мазҳар”* воситасида *“маъшуқи ҳақиқий жамолидин баҳра ол”* ишини *“ҳақиқат асрориға мажоз тариқин маҳсул қил”* иш йўли билан бадиий ифодалайди (4). Чўлпоннинг “Гўзал” шеърда айни услуб муайян бир воқеълик воситасида шоирнинг ташхису интоқ бадиий санъатларидан маҳорат билан фойдаланиши жараёнида кузатилади. Беш банд 30 сатрдан таркиб топган ушбу шеър ўз номига мос жуда гўзал назм намунаси дир. Унда лирик қаҳрамон маъшуқаси ҳақида энг ёруғ юлдуздан сўраганида, у гўзални тушида кўргани-ю, севгили ўзидан ҳам, ойдан ҳам гўзаллигини, ойга навбат етганида, у ҳам тушини хотирлаб, оққа кўмилган маъшуқа ўзидан ҳам, кундан ҳам гўзаллигини, эрта тонг шамоли эса бир кўрганидаёқ йўлидан озиб, тоғу тошлардан истаб юришини аён қилиб, севиклининг ойдан-да, кундан-да гўзаллигини, кун эса, табиийки, уни бир марта бўлса-да, ўнгда кўрганини баён этиб, гўзалнинг ойдан-да, кундан-да гўзаллигини ошиққа жуда самимий бир тарзда тасвирлаб беради. Айни ҳолат лирик қаҳрамон билан биргаликда шеърхон қалбида ҳам туйғулар туғёнини ҳосил этади. Энг ёруғ юлдуз, ой, эрта тонг шамоли-ю кундан ҳам гўзал бўлган маъшуқа ошиққа илоҳий жамолни ўзида мужассамлаштирган мазҳар сифатида намоён бўлади. Аллоҳ сифатлари

тажаллийсининг жузвларда намоён бўлишини хотирга келтирувчи айна бадий манзара шеърнинг сўнги бандида лирик қаҳрамон ўзини “йўқсил” дея сифатлашида янада муайянлашади:

*Мен йўқсил на бўлиб уни суйибман,
Унинг-чун ёнибмен, ёниб куйибмен,
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,
Мен суйиб... мен суйиб кимни суйибмен?
Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал! (3, 381).*

Мумтоз шоирларимиз ғазалларида кузатилганидек, маъшукани беназир гўзаллик соҳиби сифатида тасвирлашдан кўзланган адабий ният унинг Яратувчисини васф этишдир. Айна муддао – Чўлпон шеърини учун ҳам бегона ғоя эмас. Зеро, “Гўзал”да лирик қаҳрамон ўзини “йўқсил” ҳолда танитаркан, уни қашшоғу бенаво тарзида эмас, балки чинакам гўзаллигу Ҳақ гадоси сифатида англаш шеърнинг гўзаллигини теран тушунишга омил бўлади.

Чўлпоннинг “Уйқу” шеърини “Гўзал”даги каби беназир гўзаллик соҳиби пари тимсолида намоён бўлади. Лирик қаҳрамон уйқудаги парининг уйғониб кетишидан хавотирланиб, атрофдагиларни жим туришга, шовқин қилмасликка даъват этади. Ҳатто шамолдан ҳам елмаслигини, елса-да, наридан ўтишини талаб этади. Пари қизнинг уйқудалигига қиз-малак сифатида тасвирланган юлдузлар ҳам уйқу куйини бошлаб уни аллалаётгандек, унинг бошининг устида бир тўп фаришта айланади, кўк элининг тангриси бўлган ой унга тинчгина қарайди:

*Кўкда бир тўп қиз – малак уйқу куйини бошлади,
Илғари чалган тирик, жонли куйини ташлади.*

*Бош учидан айланар бир тўп фаришта жимгина,
Кўк элининг тангриси – ой ҳам қарайди жимгина (3, 419) .*

Маснавий шаклида ёзилган бу шеър 8 байтдан таркиб топган бўлиб, шоир уни арузнинг рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) вазнида битган. Лирик қаҳрамоннинг бундай беназир гўзаллик соҳибининг олдида ўзини ўксик ҳолда кўриши ва тааллуқнинг бошқа барча кўринишларидан воз кечиб, уйқудаги парига кўзлари тўймай қараб туриши тасвирида юқоридаги адабий ният янгича бадий лавҳаларда ўз ифодасини топганини сезиш мумкин:

*У ётиш, уйқу на ерда, на хаёлий кўкда бор,
Бу гўзал, сирли томоша менда, мен ўксукда бор.*

*Жим туринг. Шовқинламанг, уйқу ичинда ул пари,
Кўзларим тўймай қара, борлиқ кўринма, тур нари... (3, 419).*

Чўлпоннинг “Қаландар ишқи”, “Галдир” номли ғазаллари, “Ишқ” номли усмонлича услубда ёзилган шеърида анъанавий ишқ мавзусидан баҳс этилганлиги яққол кўзга ташланади. “Қаландар ишқи”даги муҳаббат саройининг кенглиги, лирик қаҳрамоннинг йўлини йўқотиши, тош янглиғ қотиши тасвирлари, карашма денгизидаги нозли тўлқинлар сингари истиоралар ғазалнинг кўхна мавзуси истеъдодли шоир қаламида янгича бадиий лавҳалар билан эҳтиросли мисраларда безатилганидан дарак беради. Ғазалнинг мақтаъ ва ундан олдинги байтларига теран нигоҳ ташласак, шоир яшаган давридаги эрк ва озодлик билан боғлиқ жадидларга хос эзгу ғояларга ташналик ҳисси тағмаънодан англашилиб турганига амин бўламиз:

*Қаландардек юриб дунёни кездим, топмадим ёрни
Яна кулбамга қайғулар, аламлар бирла қайтдим-ку.*

*Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку (3, 399).*

Қаландарнинг яна кулбасига қайғулар, аламлар билан қайтиши ёрини тополмаганидан кўнглига назар солишини англатса, тағмаънода шоир юрти қайғую аламлар гирдобида эканлигини ҳис эттиради. Муҳаббат осмонидаги Чўлпоннинг Қуёшнинг нурига тоқат қилолмаслиги – ғоят табиий ҳодиса. Зеро, Чўлпон тунда самода ёрқин юлдуз сифатида намоён бўлади. Бироқ бу Чўлпон қаландар эканлигини назарда тутсак, унинг кўнгли нафснинг чиркинликларидан тозалана бориб, унда энди Аллоҳ тажаллий эта бошлаганида, кўнгилнинг унга бардоши етмай қолгани ғоят аянчли. Айни чоғда эркак ташналик ҳисси билан яшаган кўнгил унинг бирдан қуёш нурлари сингари намоён бўлишига ҳам тоқат қилолмайди.

Шоир мажозий муҳаббатдан баҳс этган шеърларида ҳам анъанавий ишқ мавзусига мурожаат этади ва унга кутилмаганда ижтимоий руҳ бағишлаб, ўзининг жадидчилик ғояларига садоқатини бадиий ифодалайди. “Мен ҳам севаман” шеъри фикримизнинг ёрқин далилидир. Ижодкор ойдин кечаларда юлдузлардан севги кутгани, юрганида ҳар гўзал нарса унга севги бўлиб кўрингани, йигитлик чоғида ҳар гўзал чехрага кўнгил берганида, борлиқни у учун қурбон қилгани кабиларни бадиий тасвирлайди. Олти бандли шеърнинг иккинчи қисмини ташкил этувчи 4, 6-бандларда эса у ойдин кечалар энди ўтиб кетганию вафосиз севгилар учиб кетгани тасвирлана боради. Бироқ шоирнинг кўнгли қуруқ эмас, унда ҳамон севги бор. Фақат бу севги янгича моҳият касб этган. Уни шоир қуйидагича ифодалайди:

*Энди ҳар нафасда яна куяман,
Фақат Мажнун бўлиб элни севаман.
Унга ҳурмат билан бўйин эгаман.*

Бошимни у учун дорга қўяман!.. (3, 478).

Элга бўлган муҳаббатни Мажнун тимсолида ифодаланиши, шу севгига чексиз садоқат ифодасида эса дор тимсолидан фойдаланилгани Чўлпоннинг анъанавий ишқ мавзусига янгича ижтимоий руҳ берганидан далолат беради.

Жадид шоирларнинг таниқли намоёндаси бўлган Абдулҳамид Чўлпон шеърларида анъанавий ишқ мавзусига мурожаат этиш бир қатор шеърларида кузатилиши шоирнинг айна мавзудан умри давомида илҳомланиб турганига ишонч ҳосил қилдиради. Унинг арузда битилган шеърларида айна ҳолат янада яққолроқ кўзга ташланади, шу билан бир қаторда шоирнинг бундай назмий яратмаларида тағмаънода ижтимоий руҳ сезилиб туриши унинг истеъдодининг бир қирраси сифатида намоён бўлади. Шоирнинг “Тўзал”, “Уйқу” каби шеърлари “*ҳақиқат асрориға мажоз тариқин маҳсул қил*”ган салафлар ижодидан адабий таъсирланишнинг ўзига хос намунаси сифатида намоён бўлади. Бу услуб шоир ижодини бадиий жиҳатдан баркамол шеърлар билан бойишига омил бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX томлик, 14-том, Тошкент: Фан, 1998.
2. Афоқова Н. Жадид шеърляти поэтикаси. Тошкент:Фан, 2005.
3. Чўлпон. Яна олдим созимни. Тошкент: Чўлпон, 1991.
4. Эшонқулов Ҳ. Навоий асарларида ишқ мавзуининг тадрижий такомил талқини// “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарий маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги анъанавий халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.